

## Аҳолига Фавқулодда Вазиятларда Биринчи Тиббий Ёрдам Кўрсатишни Такомиллаштириш

*Боймирзаев Абдусаттор Эгамшукурович<sup>1</sup>*

**Аннотация:** Мақолада Республикадан ишлаб чиқариш жараёни тезлашиши, янги ишлаб чиқариш воситаларининг жорий этилиши, фойдали қазилмаларни ўзлаштиришнинг жадаллашиши, саноат технологияларининг ривожланиши ҳисобига фавқулодда вазиятлар сони ва тури ҳам кўпайиб бориши, бундай ҳолат жабрланувчилар сони ҳамда ва жабрланишлар турининг кўпайишига сабаб бўлиши билан боғлиқ муаммолар кўтарилган.

Аҳолига фавқулодда вазиятларда тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этишда баъзи муаммолар мавжуд бўлиб, буларга тиббий ёрдамга муҳтож бўлганлар ва тиббий ёрдам кўрсатишга жалб этилган куч ва воситалар орасида тафовутнинг юзага келиши, фавқулодда вазият зонасига тиббий куч ва воситаларни вақтида етказиб бориш, тиббий ёрдамни ташкил қилиш, жабрланганлар сонини аниқлаб олишнинг қийинлиги, фавқулодда вазият ҳудудидаги тиббиёт муассасаларнинг шикастланиши, тиббий куч ва воситалар етишмовчилиги сабабли фавқулодда вазият зонасида биринчи тиббий ёрдам ҳар қандай одам томонидан кўрсатилиши ва улар томонидан кўплаб хатоликларга йўл қўйилишлари киради.

Бундай муаммолар фавқулодда вазиятлар вақтида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини такомиллаштиришни тақозо этади. Фавқулодда вазиятларда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини яхшилашда фавқулодда вазият ўчоғида кўрсатилган тиббий ёрдам муҳим аҳамиятга эгаллигини инобатга олиб, ушбу мақолада биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** биринчи тиббий ёрдам, фавқулодда вазиятлар, тиббий ёрдам, шикастланишлар, тиббий эвакуация, тиббий муассаса.

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш жараёни тезлашиши, янгидан-янги ишлаб чиқариш воситалари ва технологияларининг жорий этилиши, фойдали қазилмалар ўзлаштирилишининг жадаллашиши, иқлим ўзгариши ҳисобига фавқулодда вазиятлар сони ва тури кўпайиб бормоқда. Бундай ҳолат жабрланувчилар сони ҳамда ва жабрланишлар турининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Фавқулодда вазият содир бўлганда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилишда бир қанча муаммолар юзага келади. Бундай муаммоларнинг асосийларидан бири жабрланувчилар сони кўп бўлган шароитда тиббий ёрдамга муҳтож бўлган жабрланувчилар билан тиббий ёрдамни ташкил этишга жалб этиладиган тиббий куч ва воситалар ўртасида тафовутнинг юзага келиши ҳисобланади.

Фавқулодда вазият шароитида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ишларининг самарали бўлиши учун жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг маълум тартиби белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу тартиб тиббий ёрдамни босқичма-босқич амалга оширишга асосланган. Дастлабки босқичда фавқулодда вазият ўчоғида жабрланганга биринчи ёрдам кўрсатиб, фавқулодда вазият

<sup>1</sup> Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси ҳузуридаги, Фуқаро муҳофазаси институти РКТБМ кафедраси доценти



ўчоғидан ташқарига, вақтинчалик йиғиш пунктига етказиш ишлари амалга оширилса, кейинги босқичда жабрланувчини тиббий муассасагача эвакуация қилиш ва касалхона шароитида тиббий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Барча босқичларда саралаш, қайта саралаш ишлари олиб борилади.

Вақтнинг қисқалиги фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдамни ташкил этишдаги муаммолардан бири ҳисобланади. Жабрланувчиларга қисқа вақт ичида биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш ҳатто оддий йўл транспорт ҳодисалари, кўчада ёки уйда содир бўладиган маиший жароҳатларда ҳам мукамал эмас. Хусусан, олиб борилган баъзи тадқиқот натижаларига кўра шикастланганларнинг фақат 22% бир соат ичида касалхонагача етказиб борилса, 2-3 соат ичида 23%, 4-6 соат ичида 18%, 6-12 соат ичида 15%, 12-24 соат ичида 15%, қолган 7% 2-3 сутка ичида касалхонага етказиб келинган [5]. Москва вилоятида жабрланганларнинг 23-37% 1 ва 2 соат оралиғида етказиб келинган [7]. Шу билан бирга шикастланишдан кейинги 15 дақиқа ичида биринчи тиббий ёрдам кўрсатилганда уларнинг 58% ининг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин [2]. Кейинги ҳар 20 дақиқада яшаб қолиш имконияти 15%га камайиб боради [8].

Юқоридагилардан ташқари тиббий куч ва воситаларни фавқулодда вазият ҳудудига сафарбар қилиш ва улардан самарали фойдаланиш борасида ҳам **муаммолар** мавжуд. Фавқулодда вазият ҳудудида ёки ушбу ҳудудга яқин жойлашган касалхоналар кўрилган талафотлар – биноларнинг вайрон бўлиши, врачлар ва тиббий ҳамшираларда учрайдиган шикастланишлар сабабли ўз ишларини ташкиллаштиришда катта қийинчиликларга дуч келишлари мумкин. Бундай қийинчиликлар айниқса, олдиндан аниқлаб бўлмайдиган фавқулодда вазият турларида, масалан, террористик ҳаракатлар содир этилганда муҳим аҳамият касб этади. Бундай вазиятларда касалхоналарни тезлик билан фавқулодда вазият режимига ўтказишнинг имкони бўлмайди. Бундан ташқари тиббиёт ходимларининг ўзларини фавқулодда вазиятдан, террористик ҳаракатлардан муҳофаза қилиш лозим бўлади.

Тиббий ёрдамни ташкил этишда яна бир муаммо жабрланганлар сони қанча эканлигини била олмаслик ҳисобланади. Бу эса жабрланувчиларни эвакуация қилиш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

Ушбу муаммоларнинг қисман ечими сифатида фавқулодда вазият жойида биринчи ёрдам кўрсатиш ишлари бу жойга тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар ҳар қандай одам томонидан кўрсатилиши лозимлигига қаратилади. Яъни, фавқулодда вазиятларда фавқулодда вазият ҳудудида ва унинг чегарасида жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари тиббий малакага эга бўлмаган одам томонидан кўрсатилади. Бундай одамларни бир неча тоифаларга бўлиш мумкин: тасодифан шу жойга келиб қолган одамлар, йўловчилар, ҳайдовчилар, ҳар хил тоифадаги ишчи-хизматчилар, Ички ишлар вазирлиги ходимлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари. Бироқ жабрланувчи ёнига тасодифан келиб қолган одамларнинг 60,7% биринчи ёрдам кўрсатиш менинг бурчим эмас деб ҳисоблашади. 82,1% етарли билим ва кўникмага эга бўлмайди. 67,6% шикастланувчига ортиқча жароҳат етказиб қўйишдан кўрқишади. 63,55 юридик жавобгарликдан кўрқишади. 51,3% ҳолатда қўл остидаги воситалар йўқлигига баҳона қилишади [6].

Юқорида келтирилган тоифадагиларнинг баъзилари тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича маълум бир тушунчага эга бўлишади. Булар қаторига ИИВ, ФВВ ходимлари, ҳайдовчилар киради. Улар томонидан ҳам кўплаб хатоликларга йўл қўйилади. Хатоликларнинг асосий сабабчиси кўзга ташланиб турадиган бир шикастланиш юзасидан ёрдам кўрсатилгани ҳолда иккинчи бир шикастланишнинг аниқланмай қолиши ҳисобланади. Бундай хатоликларга ҳатто врачлар ҳам йўл қўйиши мумкин [9].

Бугунги кунда автомобилларда бўлиши лозим бўлган аптечкалардан бошқа бирорта аптечка, тиббий сумка, махсус жамланмалар таркиби соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланмаган. Қутқарувчилар, санитар пост ва санитар дружиналар, миллий гвардия ва ички ишлар ходимлари, туризм ва альпинизм билан шўғулланувчилар учун тиббий аптечка таркиби



тасдиқланмаган, қутқарув отрядлари махсус тиббий жамланмага эга эмас. Бу эса фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Адабиётлар таҳлилига кўра, баъзи ҳолларда жабрланувчига нисбатан айрим амалиётларни бажармаслик кўшимча жароҳатлар (асоратлар)нинг келиб чиқмаслигига сабаб бўлади. Бу эса жабрланувчининг яшаб қолишида муҳим ўрин тутиши мумкин. Бунга мисол қилиб, тос соҳасидаги, умуртқа поғонасидаги шикастланишларни келтириш мумкин [1]. Кўп бундай шикастланишларда жабрланувчини эвакуация қилишда (ҳатто кўзгатиш жараёнида) кўплаб асоратлар ривожланади [3]. Баъзи жароҳатларнинг хусусиятини тушунмаслик оқибатида жабрланувчиларга ортиқча шикаст етказиш ҳолатлари учрайди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ҳукумат Қарори даражасида биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиши шарт бўлган ҳолатлар улардаги биринчи зарурий ҳаракатлар ҳамда уларнинг ҳажми белгиланган меъерий ҳужжат – йўриқнома қабул қилинмаган.

Сўнгги йилларда жабрланган одамга биринчи тиббий ёрдам кўрсатган шахсни, агар жабрланувчи кейинчалик оламдан ўтган бўлса терговга чақириш ҳолатлари кўпайиб кетди. Бундай ҳолат фуқароларни жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатишдан бездирмоқда.

Фавқулодда вазиятларда жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишларининг самарадорлиги тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича олиб бориладиган ташкилий ишларнинг олиб борилишига боғлиқ. Фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш ишларини ташкил қилиш тизими, яъни биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутахассислар тайёрлаш, ўқитиш ишларини назорат қилиш ва бу ишларга раҳбарлик қилиш йўлга қўйилмаган.

Маълумки, ФВВ қутқарув ишларида иштирок этадиган қутқарувчиларни, ИИВ йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида фаолият юритаётган ходимларини биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга тайёрлашади. Ҳозирги кунда баъзи жойларда, масалан, ҳайдовчиларни тайёрлаш курсларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича машғулотлар тиббий маълумотга эга бўлган ҳар қандай одам томонидан ўтказилмоқда. Уларнинг биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича малакаларини оширадиган ўқув курслари мавжуд эмас.

Юқорида келтирилган муаммоларни ечиш ва фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдамни такомиллаштириш учун қуйидагилар тадбирларни амалга ошириш **тавсия этилади:**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш, яъни қутқарув отрядлари, санитар пост ва санитар дружиналар, миллий гвардия ва ички ишлар ходимлари, туристлар (тоғ туризми) ва альпинизм каби ҳар хил йўналишда фаолият олиб боровчи касб эгалари учун тиббий аптекалар, тиббий тўпламлар, жамланмалар рўйхати, қутқарув отрядлари учун махсус биринчи тиббий ёрдам жамланмаларини тасдиқлаш;

биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиши шарт бўлган ҳолатлар ва улардаги биринчи зарурий ҳаракатлар ҳамда уларнинг ҳажми белгиланган Йўриқнома ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш;

биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича барча учун ягона бўлган, мавжуд меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини инкор этмайдиган, биринчи тиббий ёрдам кўрсатган ёки кўрсатмаган фуқаронинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйил янги меъерий ҳужжат ишлаб чиқиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари бўйича тизимни йўлга қўйиш, – биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутахассис тайёрлаш, ўқитиш ишларини назорат қилиш, ушбу ишларга раҳбарликни йўлга қўйиш учун бош мутахассис штат бирлиги киритиш;

фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам ташкил этиш ва кўрсатиш бўйича ўқитиш ишларининг сифатини ошириш мақсадида фуқаро муҳофазаси тиббий хизмати томонидан Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда ҳаракат қилиш давлат тизими (ФВДТ)га кирувчи барча хизматлар учун биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича такомиллашган намунавий ўқув дастурлари ишлаб чиқиш;



Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирликлари томонидан биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мавжуд дастурларни такомиллаштириш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига кирувчи тиббий муассасалар билан бошқа вазирлик ва идоралар ўртасида фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўзаро ҳамкорлик режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш доирасида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича тренинглар ўтказиш;

ФВВ кутқарувчиларини, ИИВ ЙПХ ходимларини ва ҳайдовчиларни тайёрлаш курслари ва бошқа муассасаларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича дарслар олиб борадиган ходимларнинг малакаларини ошириш курслари ташкил этиш;

аҳоли ўртасида биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш усуллари ва уни таъминлашнинг ижтимоий аҳамияти тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориш, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишлари олиб бориш, махсус адабиётлар ва реклама маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш, тематик кўرғазмалар, конференциялар ва бошқаларни ташкил этиш;

ФВДТ таркибига кирувчи хизматлар биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўз йўналишларини белгилашлари, бу соҳада ўқув дастурларини ишлаб чиқишлари ва тасдиқлашлари, синовлар ташкил қилиш [4];

кўрсатилган биринчи тиббий ёрдам бўйича статистик ҳисобот юритиш, таҳлил қилиш ва прогноз қилиш мақсадида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисида маълумотлар базаси ва умумлаштириш тизимини яратиш. Бунинг учун воқеа жойида олиб борилган ишлар тўғрисида статистик ҳисобот формаларига ўзгартиришлар киритиш;

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қабул қилинадиган қарорлар лойиҳаларини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиш самарадорлигини назорат қилиш мақсадида ўқув юртлари ва ташкилотлар билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш.

Шундай қилиб фавқулодда вазиятларда аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил қилишда бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, ушбу муаммоларни ечиш имконияти мавжуд. Мавжуд муаммоларнинг ечими фавқулодда вазият содир бўлганда кўплаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолишга имконият яратади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 августдаги “Ўзбекистон республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 171-сонли қарори.
2. Агаджанян В.В., Пронских А.А., Устьянцева И.М. и др. Политравма. - Новосибирск: Наука, 2003. - 492 с.
3. Муравьев М.Ю. (отряд «Центроспас») проблемы оказания первой помощи при АСР и пути их решения <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-okazaniya-pervoy-pomoschi-pri-asr-i-puti-ih-resheniya>
4. Рахимжонова Д., Гафуров Н. Проблемы оказания первой помощи при чрезвычайных ситуациях “Психологик хизмат кўрсатишда таълимий ва касбий фаолият уйғунлигини таъминлашнинг инновацион ёндашув масалалари”. Республика илмий-амалий конференция материаллари 27 апреля 2020 г. 320 с.
5. Пушкин А.А. Сочетанная травма. Ростов н/д, 2008. 320 с.
6. Халмуратов А.М., Дежурный Л.И., Ганжурова Б.И. Оказание первой помощи при травмах и неотложных состояниях - важный фактор предотвращения преждевременной смертности в России // Менеджер здравоохранения. - 2008. - №2. - С. 41-44.)



7. Шумада И.В., Процьк А.И. Совершенствование медицинской помощи пострадавшим в результате дорожно-транспортных происшествий на догоспитальном этапе // Ортопедическая травматология. - 2007. - №3. - С. 41-44.)
8. Чмелев В.С., Гуров А.Н. Экономические последствия тяжелого сочетанного черепно-мозгового травматизма и организация экстренной нейрохирургической помощи пострадавшим в Московской области // Проблемы управления здравоохранением. 2007. № 3. С. 51 - 57.
9. Schulman C. Training forward surgical teams: Do military-civilian collaborations work? // US Army Medical Department J. 2010. № 10. P. 24 - 26.).

